SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · ХДП

• 2016-yil, 18-fevral. Payshanba • 21 (32.080) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

■ МУНОСАБАТ

***■ Фан-техника беқиёс юксалган, ахборот технологиялари кундан-кунга ривож топаётган бизнинг давримизда замондошларимизни бирор янгилик билан ҳайратда қолдириш амри маҳол. Сабаби, эсини таниган инсон борки, радио, телевидение, интернет тармоқлари орқали ер-кўкда рўй бераётган жами ҳодисалардан хабардор.***

## ҲАЙРАТГА ЛОЙИҚ МАҚСАД

### ёки ҳақиқатга айланаётган орзулар

Шунга қарамасдан, ҳали ҳам бутун инсониятни бўлмаса-да, кўпчиликни ҳайрон қиладиган, таажжубга соладиган воқеалар рўй бериб туради.

Жорий йилнинг 9 февралида давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган «Соғлом она ва бола» Давлат дастурининг ижроси учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилиши ана шундай ҳодисалардан биридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Бу ўринда фақат сарфланадиган маблағнинг миқдорига эмас, масаланинг иккинчи жиҳатига ҳам эътибор қаратмоқ керак бўлади. Гап жаҳондаги етакчи давлатлар ҳали-ҳамон молиявий-иқтисодий инқироз чангалидан қутила олмаётган, ривожланган ва ривожланиш йўлини тутган давлатлар унинг жабрини тортаётган оғир бир даврда Ўзбекистон ижтимоий соҳага катта миқдорда маблағ ажратаётганидадир.

Қизиғи шундаки, ушбу рақамлар фақат хорижликларни ҳайратга солиши мумкин. Чунки, сўнгги йигирма йил давомида давлатнинг фуқаролар саломатлиги, бахт-саодати, тинчлиги ва фаровонлиги, ёш авлод келажаги учун ҳеч нарса аялмаслиги одатий ҳолга, эзгу анъанага айланиб улгурди.

Маълумки, Дастурнинг бош мақсади мамлакатимиздаги хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, вояга етказишга эришишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, соғлом авлод ва жамият барпо этишдир.

Ўз ҳаётида кутилмаган ва қувончли воқеа рўй берган киши, «Бундай бўлиши тушимга ҳам кирмаганди», дейди.

Дарвоқе, юртимизда аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни дунёга келтириш йўлида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ҳам тушга кирмаган ҳодисалар сирасига киради.

Бунинг исботи учун узоққа боришнинг асло ҳожати йўқ. Биргина оналик ва болаликни муҳофаза этиш йўлида амалга оширилган хайрли ишлар ва уларнинг самарасини мулоҳаза қилиш кифоя.

Эски тузум даврида соғлиқни сақлаш муассасаларининг қай аҳволда бўлганини ёши ўттиздан юқори бўлган авлод яхши эслайди. Айниқса, қишлоқлардаги аҳвол аянчли эди. Каталакдай хонага жойлашган, ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими ишлайдиган медпункт учтўрт қишлоққа хизмат қиларди. Бу масканларда ҳомиладор оналар ва гўдаклар тугул, тиши оғриган бемор ҳам малакали тиббиёт ёрдамини ололмасди.

► Давоми 3-бетда.

## БИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАМИЗ!



## ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

***Пойтахтимиз Тошкентда футзал бўйича давом этаётган Осиё чемпионати чорак финалида Ўзбекистон терма жамоаси Ироқ вакиллари билан бўлган кескин курашда ғалаба қозониб, ўз тарихида илк маротаба жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.***

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Футбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлари ва футбол академиялари фаолият кўрсатмоқда, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда, халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлашни янада кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда футзал, пляж футболи, ампутантлар футболини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва тарбиялаш, миллий терма жамоалар тайёргарлигини кучайтириш бўйича қилинаётган ишлар ўз самарасини беряпти. Терма жамоаларимиз халқаро майдонда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, кучлилар сафида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон футзал терма жамоаси ҳам қитъамизнинг кучли жамоаларидан бирига айланган. Ўзбекистон футзалчилари Осиё чемпионатларида уч (2001, 2006, 2010 йиллар) марта кумуш, уч (2005, 2007, 2014 йиллар) бор бронза медаллари билан тақдирланганлиги буни яққол тасдиқлаб турибди.

10 февраль куни пойтахтимизда XIV Осиё чемпионати финал босқичи бошланганди. Бунгача юртимиз мазкур йирик ва нуфузли мусобақага икки (2006, 2010 йиллар) марта муносиб мезбонлик қилган. Халқаро мусобақалар уюштириш ва ўтказиш борасида катта тажриба тўпланганлиги, кенг имкониятлар мавжудлиги боис, Осиё футбол конфедерацияси ана шундай масъулиятли вазифани учинчи бор мамлакатимизга ишониб топширди.

► Давоми 4-бетда.



## БУГУН ОНА ЮРТДА...

### Маҳсулот таннархи арзонлашди

**Бухоро**

*«Бухородонмаҳсулотлари» акционерлик жамиятида модернизация ишлари амалга ошгач, маҳсулот таннархи 12 фоизга арзонлашди.*

«Бухорономa» газетаси сайтида берилган маълумотга кўра, салкам 2 миллион АҚШ доллари сарфланиб, корхона учун хориждан замонавий тегирмон харид қилинган. Янги дастгоҳ компьютерлар воситасида бошқарилади. Ишлаш учун қулай. Натижада сарф-харажатлар сезиларли даражада камайди, маҳсулот сифати янада яхшиланди, тури иккитага кўпайди. Кунига 225 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга корхона айни дамда буюртмачиларга беш турдаги маҳсулот етказиб бермоқда.

### Бозорларимиз янада обод бўлади

**Тошкент шаҳри**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Тошбозорсавдо» уюшмасининг 2015 йилдаги фаолияти сарҳисоби, 2016 йилдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Унда таъкидланишича, 2016 йилда Эски жўва, Авиасозлар, Сергели деҳқон бозорлари таъмирланади. «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» акциядорлик жамиятида олиб борилаётган қурилиш ишлари якунига етказилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда пойтахт аҳолисига мева-сабзавот маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш мақсадида Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари ва уларнинг шохобчаларида «Элга хизмат» шўъба корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

### Давлат органларида юридик хизмат такомиллаштирилади

**Наманган**

*Наманган шаҳрида «Давлат органларида юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Бу ҳақда Наманган вилоят адлия бошқармаси хабар бермоқда.*

Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳуқуқшунослари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, истиқлол йилларида ҳар бир давлат органи юридик хизматининг функционал вазифалари, юридик хизмат кўрсатишга қулай шароит яратишнинг минимал талаблари ишлаб чиқилди, юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди.

Семинарда таниқли ҳуқуқшунослар томонидан давлат органларида юридик хизмат амалиёти ва муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди.

■ ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ



## ПАРЛАМЕНТ ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ТИНГЛАДИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитишди.**

► Давоми 2-бетда.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## КЕЧАГИ ТУШУНЧА, ДУНЁҚАРАШ БИЛАН

### ишлашга ҳаққимиз йўқ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда электорат манфаатларини ҳимоя этиш, партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаоллигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Хусусан, шаҳар партия кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов партия ташкилотлари олдида турган устувор вазифалар ҳақида сўз юритди.

► Давоми 2-бетда.

## 2016 ЙИЛДА

Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг **100** ўринга мўлжалланган даволаш-ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаториясини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.



**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

ЎТГАН ЙИЛИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД 1200 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛИБ, ҚОЛГАНЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН 189 МАСАЛА ЎРГАНИЛДИ. ШУНДАН 127 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИДА, 87 МАСАЛА СЕССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДАСТУРИЙ ҒОЯЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ МАҚСАДИДА МИНТАҚАВИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 1600 ГА ЯҚИН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

**ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ**

Фуқаролар мурожаатлари таҳлили орқали жамоатчиликнинг фикри ва ижтимоий кайфияти, давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ турли масалалар аниқланади.

# ПАРЛАМЕНТ ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ТИНГЛАДИ

Айтиш керакки, бу масала дастлаб сиёсий партиялар фракциялари, хусусан, ЎзХДП фракцияси йиғилишида ҳам муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Улуғбек Муҳаммадиевнинг қайд этишича, 2015 йилда Омбудсманга фуқаролар, хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 12 373 мурожаат келиб тушган. Мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича 6359 нафар аризачига ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш масалалари ҳақида оғзаки ҳамда ёзма тавсиялар тақдим этилган. Шунингек, давлат бошқаруви органларига кўриб чиқиш ва натижалари бўйича аризачиларни хабардор қилиш учун 3 237 мурожаат юборилган.

Маълум бўлишича, айрим ҳолларда фуқароларнинг тегишли қонунлардан хабардорлиги етарли эмаслиги бир хил ва такрорий мурожаатлар кўпайишига олиб келмоқда.

**Таъкидландики, баъзи раҳбарлар, мансабдор шахсларнинг қонун талабларига нисбатан бепарволик, совуққонлик билан муносабатда бўлиши, инсон ҳуқуқлари асосларини билмаслиги фуқаролар ҳуқуқлари бузилишининг жиддий сабабларидан бўлиб қолмоқда.**

Улуғбек Муҳаммадиев аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Маълумотларга кўра, Омбудсман ҳисобот даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.


Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

**Фракциямиз мурожаатларнинг ўз вақтида ва самарали кўриб чиқилиши аҳоли, электоратимиз вакилларини ўйлантираётган турли ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида ечим топишида долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.**

органлари томонидан моддий ёрдам ажратиш, нафақаларни тайинлаш ва тўлаш масаласиға доир 122 мурожаатни кўриб чиққан. Асосли деб топилган 75 ҳолатда аризачиларга моддий ёрдам тайинланишига кўмаклашилган.

Ҳисоботда келтирилишича, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари бўйича Омбудсман томонидан 1 минг 125 мурожаат қабул қилинган. Ўрганиш давомида 197 ҳолатда фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилгани аниқланган.

Шунингдек, ишга жойлашиш масаласидаги мурожаатлар тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқилган ва 42 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилган.

Омбудсман ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, айниқса, аёллар, болалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш муҳим масала эканини таъкидлади.

Ҳисоботда келтирилган факт ва рақамлар атрофлича кўриб чиқилгач, фракция аъзолари кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Феруза Эшматова,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Фуқаролар мурожаатлари таҳлил орқали жамоатчиликнинг фикри ва ижтимоий кайфияти, давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ турли масалалар аниқланади. Айрим мурожаатларда кўтарилган масалалар қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантиришга, давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаб, ўзига хос тарзда баҳо беришга асос бўлади.

Бир сўз билан айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқи тўсиқсиз амалга оширилиши фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатни демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Омбудсман томонидан олиб борилган тизимли мониторинг натижалари ва хулосалари давлат органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга доир фаолиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат маданиятини шакллантиришда зарур манба вазифасини ўтайди.

Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги, шунингдек, ижро ҳокимияти, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Фракциямиз мурожаатларнинг ўз вақтида ва самарали кўриб чиқилиши аҳоли, электоратимиз вакилларини ўйлантираётган турли ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида ечим топишида долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Шуларни ҳисобга олиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2015 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини қўллаб-қувватладик.

*Шу билан бирга, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши, бу борада парламент назоратини амалга ошириш масалалари бўйича тавсияларимизни ҳам бердик.*

Фракция аъзолари Омбудсман ҳисоботи партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтиришда муҳим асос ва намуна бўлишини алоҳида таъкидлашди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП: ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ**

***ЎзХДП Хоразм вилоят ташкилоти, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари партия Сайловолди ҳамда Ҳаракат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтирмоқда. Хўш, ўтган йили партия ташкилотлари ва гуруҳлари томонидан Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича вилоятда нима ишлар қилинди? Партия гуруҳлари электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қандай ташаббуслар билан чиқди?***

# ДЕПУТАТ СЎРОВИ:

## ким қандай фикрда?

Ҳаракат дастурига мувофиқ, ўтган йили вилоятда 11 масала сессияларда кўриб чиқилиши белгиланган эди. Маълумотларга кўра, 11 масала ҳам тегишли тартибда партия гуруҳлари ва доимий комиссияларда кўриб чиқилган. Аммо шундан фақат 6 масалагина тегишли Кенгашлар сессияларида муҳокама этилган. Режалаштирилган масалаларнинг ҳаммаси сессиялар кун тартибига киритилмагани жойларда электорат манфаатларига оид муаммолар ечимида сусткашликларга йўл қўйилаётганини кўрсатади. Бунинг сабабини депутатлар ўз ҳуқуқ ҳамда ваколатларидан тўлиқ фойдалана олмаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Келинг, шу ўринда рақамларга эътибор қилайлик. Ўтган бир йил давомида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар томонидан турли идора-ташкилотлар раҳбарлари номига 85 депутатлик сўрови юборилган. Бу кам албатта. Ваҳоланки, бугун одамлар сиёсий партиялардан, депутатлардан амалий ишларни кўпроқ кутмоқда. Депутатлар ҳудудлардаги масалаларни ҳал этишда бевосита қатнашиши талаб қилинмоқда.

**Раимберган САБУРОВ,**
**вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:**

— Тўғри, айрим депутатларимизнинг ўз ваколатлари доирасида фаолият юритмаётгани, ҳатто партия ташкилотлари билан яқин алоқада эмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Сайловлардан буён бир йилдан кўп вақт ўтди. Бу орада электоратни ўйлантираётган қатор масалалар ҳал этилишига эришсак бўларди. Аммо айрим маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз бунга бефарқ қараётган кўринади. Мисол учун, Урганч шаҳар Кенгашидаги депутатларимизнинг депутатлик сўрови имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаган.

Яқинда Шовот туманининг «Ўзбекистон» қишлоғидаги айрим муаммоларни ўргандик. Ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг спорт майдончаси таъмирталаб экан. Коллежда ёшларга тракторчилик сир-асрорлари ўргатиляпти, шу ҳақда уларга гувоҳнома берилмоқда. Аммо у ерда ўқиб-ўрганишга мўлжалланган техника воситалари етишмайди. Ҳудуддан сайланган депутатлар бу масалаларга эътибор қаратса, ўз ишига масъулият билан ёндашиб, ваколатларидан тўғри фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Ойсара МАДРАҲИМОВА,**
**Урганч шаҳридаги 33-маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар Кенгаши депутати:**

— Маҳалламиз ҳудуди шаҳарнинг бошқа жойларига нисбатан пастроқда жойлашган. Бу эса сув қувурларининг муддатдан олдин ишдан чиқишига олиб келади. Ичимлик сув масаласида қувурларни янгиларига алмаштириш борасида тегишли ташкилотларга мурожаат этиб, ижобий ҳал қилишга эришдик. Канализация масаласидаги муаммо ҳам аҳоли норозиликларига сабаб бўляпти. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юбордим. Масала 2017 йилда ҳал бўлади, деган аниқ санасиз жавоб олдим. Кези келганда айтиш керак, айрим ташкилотлар раҳбарлари депутатлик сўровига шунчаки қуруқ ваъдалар билан жавоб йўллашга одатланиб қолаётганга ўхшайди. Аммо бундай юзаки жавоблар муаммоларга ечим бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Депутат сўров юбордими, демак ҳудудда одамларни қийнаётган муаммо бор. Биз масала ҳал этилиши тарафдоримиз. Шунда аҳолининг ҳаётга, жамиятга ишончи ортади, турмуши фаровон бўлади.

**Жумабой МАДАМИНОВ,**
**Урганч шаҳридаги 32-маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар Кенгаши депутати:**

— Бизнинг маҳалламизда ҳам ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Аммо иқтисодий имкониятларни ҳам эътиборга олиш лозим. Айрим масалаларнинг ҳал қилиниши учун вақт ва маблағ керак. Биз жойларда ижтимоий-иқтисодий масалалар давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларига киритилишига эришишимиз зарур.

Сайловчилар ишончини оқлашда партиямиз Ҳаракат дастури ижроси таъминланиши долзарб аҳамият касб этади. Шу боис жорий йилда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб масалалар чуқур ўрганилади, доимий комиссиялар ва сессияларга олиб чиқилиб, муҳим қарорлар қабул қилинади. Бугун зиммамизда ҳар доимгидан ҳам долзарб вазифалар турибди. Амалий ишларимиз, ташаббусларимиз, ютуқларимиз кўпайиши, одамлар ишончини оқлаш учун қаттиқ курашишимиз керак бўлади.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**

# КЕЧАГИ ТУШУНЧА, ДУНЁҚАРАШ БИЛАН

## *ишлашга ҳаққимиз йўқ*

— Аҳолини иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир, — деди у. — Бу масалага партиямиз Сайловолди дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шундай экан, партиямиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари бандлик дастури ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириши талаб этилади.

Биз, айниқса, битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, катта-кичик корхоналарда иш бошлаган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўришимиз зарур.

Жорий йилда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи ҳам алоҳида эътиборимизда бўлади. Тарғибот тадбирларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида олиб борилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар, мазкур соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида батафсил маълумотлар берилади.

Шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи қонунлар ва давлат қарорлари бажарилиши устидан депутатлик назоратини изчил давом эттиради. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти мансабдор шахсларининг муҳим ижтимоий масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш режалаштирилган.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.


Фарруҳ АЛИЕВ олган сурат.

***Биз, айниқса, битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, катта-кичик корхоналарда иш бошлаган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўришимиз зарур.***

**Йиғилишда партия ташкилотининг 2015 йилдаги фаолияти натижалари аниқ факт ва рақамлар асосида атрофлича таҳлил қилинди.**

— Ўтган йили электорат манфаатлари билан боғлиқ 11 масала партия гуруҳи, 2 масала тегишли доимий комиссия йиғилишлари ва шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама этилди, — дейди **Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Шоҳруҳ Абдураҳмонов.** — Партия гуруҳимиз аъзолари томонидан электорат вакиллари мурожаатлари асосида мутасадди ташкилот ва корхоналар раҳбарларига 84 депутатлик сўрови юборилди. Шундан 71 сўровга ўз вақтида ижобий жавоб олинди.

Шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарига йил давомида 400 дан ортиқ мурожаат тушган. Кўтарилган масалаларнинг 70 фоизи ижобий ечим топди. Қолган мурожаатлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Тан олиш керак, ҳисобот даврида ютуқлар билан бирга, камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаслик ҳолатлари бўлди. Бунинг оқибатида жойларда аҳолини ўйлантираётган айрим масалалар ечилмасдан қолди. Ҳар биримиз бундан тўғри хулоса чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман.

— Бугунги кунда пойтахтимизда партиямизнинг 1086 бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда, — дейди **Тошкент шаҳар партия кенгаши сектор мудири Ихтиёр Салаев.** — Уларга 36 минг нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Бу катта куч, кенг имконият дегани. Шунинг учун бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш йўлларини излашимиз, электорат вакилларини ўйлантираётган масалалар бўйича аъзоларимиздан кўпроқ таклифлар олишимиз керак.

Шу мақсадда ўтган йили қуйи бўғинларда қатор ўқув-семинарлар ташкил этилди. Бошланғич партия ташкилотларида иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, тарғибот воситаларидан фойдаланиш, етакчиларнинг касб маҳоратини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, аъзолардан қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш, аҳолини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича кўплаб таклифлар олинди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, партия ташкилотлари, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини янада кучайтириш ишимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда сўз олганлар бугун сиёсий партия фаоли, депутат кечаги тушунча, кечаги дунёқараш билан ишлашга ҳаққи йўқлигини, сайловчилар улардан аниқ натижалар, амалий ишлар кутаётганини таъкидлашди. Партиямиз Сайловолди дастури ижросига муносиб ҳисса қўшиш, одамлар ишончини оқлаш зарурлигига эътибор қаратишди.

Партия ташкилотлари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎТГАН ЙИЛИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 205 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

МУНОСАБАТ

■ «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир».

## Академик Саид Шермуҳамедов



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори Саид Шермуҳамедов 2016 йил 16 февраль куни 86 ёшида вафот этди.

С.Шермуҳамедов 1930 йил 12 майда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида туғилди. 1948-1953 йилларда Самарқанд давлат университетида таълим олди. Ўқишни тугатиб, ушбу университет аспирантурасида таҳсилни давом эттирди. Фалсафа фанининг долзарб масалалари бўйича 1960 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргаликда олиб борган таниқли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, илмий котиби, директор ўринбосари, республика маориф вазири, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудири каби масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилди ва юртимизда фалсафа фанига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида фаоллик кўрсатди.

С.Шермуҳамедовнинг фалсафа фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган монографиялари, кўплаб рисола ва мақолалари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан ва жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Саид Шермуҳамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ, Ш.СИРОЖИДДИНОВ**

# ҲАЙРАТГА ЛОЙИҚ МАҚСАД

## ёки ҳақиқатга айланаётган орзулар

Туманлар марказлари ва шаҳарчалардаги шифохоналарнинг туғуруқ бўлимига аёллар фақат кўз ёригани келарди. Акушер-гинекологларни шу ерда кўрарди. Оқибатда кўплаб оналар, айниқса, ёш келинлар ҳомиладорлик пайтидаёқ турли касалликларга чалинар, улардан дардманд чақалоқлар туғилар, баъзан бу ишлар она-боланинг ўлими билан тугарди. Боши касалликдан чиқмайдиган аёллар, туғма нуқсонли болалар тортадиган азобларнинг эса чеки йўқ эди.

Истиқлолнинг шарофати билан у қора кунлар ўтмишда қолди. Тарихан қисқа муддатда, юқорида айтилганидек, илгари тушга ҳам кирмаган ўзгаришлар рўй берди. Отаси билан онаси ҳали турмуш қурмасиданоқ бўлажак фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш мамлакатимизда ҳаётий таомилга айланди. Яқин қариндошлар ўртасида турмуш қуришнинг олди олинаётгани мажруҳ фарзандларни дунёга келтириб, бир умр армон ва андуҳда яшайдиган ота-оналар сонини деярли йўқотди. Никоҳдан олдин келин-куёвнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши оммавийлашгани туфайли тўйдан сўнг рўй берадиган турфа кўнгилсизликларнинг олди олинди, ажралишлар сони камайди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси изчил такомиллашаётгани боис, ҳомиладорликнинг илк давридаёқ она билан боланинг сиҳатини бир вақтнинг ўзида текшириш, ташхис қўйиш, зарурат туғилса, даволаш имконияти яратилди. Энг муҳими, илгари хаёлга ҳам келтирилмаган ушбу тиббий жараёнларни амалга ошириш учун юртимизда барча шарт-шароитлар бор.

Олис ҳудудлар, чекка қишлоқлардаги туғиш ёшидаги барча аёлларнинг шифокорлар кўригидан ўтказилиб, уларга керакли ёрдам ва маслаҳатлар берилаётгани юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бу борада мамлакатимизда 1998 йилнинг Оила, 2000 йилнинг Соғлом авлод, 2001 йилнинг Она ва бола, 2008 йилнинг Ёшлар, 2012 йилнинг Мустаҳкам оила, 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилингани ва ҳар бир йил учун белгиланган Давлат дастурлари асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилгани бугунга келиб ўзининг ижобий

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*



**Республика «Она ва бола скрининг» марказида.**

самарасини бермоқда.

Республика ҳамда вилоят пренатал марказлари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиалларининг, вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, уларнинг болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш бўлимларидаги шифокорлар ва ҳамшираларнинг жонкуярлиги туфайли ўтган йиллар мобайнида юзлаб оилаларга хурсандчилик улашилди. Вақтида малакали тиббий хизмат кўрсатилгани туфайли ҳомиладор аёллар турли дардлардан фориғ бўлиб, соғлом гўдакларнинг онасига айландилар. Минглаб чақалоқлар мурғаклигида турли-туман касалликларнинг хуружидан муҳофаза этилди ва ажал чангалидан қутқариб қолинди.

2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб аталиши эса ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва вояга етказиш соҳасидаги улуғ мақсадга эришиш йўлидаги янги пиллапоядир.

Дастурнинг биргина оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этишга бағишланган қисмида давлат ва жамият олдига қўйилган вазифаларнинг кўлами ҳам таҳсинга сазовордир.

Шунинг учун ҳам барча йўналишдаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва хизмат сифатини юксалтириш муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилмоқда.

Соғлом болани фақатгина соғлом она дунёга келтириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Вилоятлардаги 13 скрининг марказининг кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозланиши эса ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни пренатал ва неонтал скринингдан ўтказиш орқали гўдакларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, яъни, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

**Давлат дастурида қайд этилганидек, жорий йилда бунёд этиладиган 200 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 та операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази оналар ва болаларга кўрсатиладиган юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатади, болаларга чақалоқлик давридан тортиб, 18 ёшга тўлгунга қадар кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа оғир ҳамда асоратли касалликлардан самарали даволаниш имконини беради.**

Давлат дастури доирасида реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган Самарқанд, Гулистон, Урганчдаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, 38 туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва туғуруқ мажмуалари, 11 оилавий поликлиника ва 244 қишлоқ врачлик пунктлари келгусида барча ҳудудларда, узоқ туманларда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда биринчи тиббий-санитария ёрдами, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Айни пайтда ногирон болаларга ғамхўрлик кўрсатишни яхшилашга оид чора-тадбирлар ҳам Дастурнинг устувор вазифаларидан бирига айланганлиги эътирофга сазовордир. Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даволаш-ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаторияни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш туғма ҳамда кейинчалик ногирон бўлиб қолган болаларни даволаш ва соғайтиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази фаолиятининг янада кенгайтирилиши, 2016-2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 ҳудудий филиали ҳамда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилиши ҳам давлат ва жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигига муҳтож ўғил-қизларга катта маънавий ва моддий мадад бўлиши шубҳасиз.

Бугун ўзбек халқи буюк давлат бунёд этиш, уни муносиб авлодларга қолдиришдек юксак орзулар билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Ушбу орзуни эса фақатгина соғлом жамиятда ўсадиган ҳар томонлама баркамол инсонларгина амалга оширишга қодирдир.

Зеро, йигирма икки йил муқаддам давлатимиз раҳбари айтганидек, «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир».

**Бахтиёр РИЗАЕВ,**
**«Ўзбекистони овози» мухбири.**




*Global Firepower нашри тузган армиялар рейтингида Ўзбекистон 126 мамлакат ичида 54-ўринни эгаллади.*

## Дунё армиялари рейтингида

### Ўзбекистон 54-ўринни эгаллади



Қозоғистон армияси 66, Қирғиз Республикаси 78, Тожикистон 81, Туркманистон 90-ўринни банд этди.

Рейтингни тузишда 50 га яқин омиллар, жумладан, қўшинлар сони, қуруқлик, ҳаво ва денгизда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган ҳарбий техника миқдори, қурол-яроғ учун сарфланадиган маблағ манбаи ҳамда мамлакатнинг географик ўрни ҳисобга олинди.

## Муносиб меҳнат дастури

### ижроси муҳокама этилди

Жорий йилнинг 10-13 февралида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари Бюросида бўлишди.

Ташриф давомида 2014-2016 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат дастурини амалга ошириш доирасида 2015 йилга мўлжалланган тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

## Ташқи ишлар вазирлигида

### учрашув бўлиб ўтди

*2016 йилнинг 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида БМТ Резидент-координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер билан учрашув бўлиб ўтди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар бермоқда.*

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги алоқалар, жумладан, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

■ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## 3000 НАФАР ЮРИСТ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

***Адлия вазирлиги томонидан Юристлар малакасини ошириш марказида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда суд-ҳуқуқ тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини юксалтириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.***

Таъкидланганидек, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази 1997 йилда ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича 10 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Марказнинг асосий вазифаси — суд, адлия, адвокатура идораларининг вакиллари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан иборат. Илгари бу ерда йилига ўртача 800 нафарга яқин юрист кадр ўз малакасини оширган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич қарийб 3000 нафарни ташкил этмоқда.

Ўқув жараёнларига 200 нафардан ортиқ тажрибали амалиётчи жалб этилган. Бу эса назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, илғор ўқув услубларини юридик таълимга изчил қўллаш имконини бермоқда. Айни вақтда ўқитиш жараёни Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари асосида олиб борилмоқда.

Марказда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг юридик хизмат ходимлари билим ҳамда кўникмаларини янада мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада биргина 2015 йилда минг нафарга яқин юрисконсульт ўз малакасини оширди. Юридик хизмат ходимларига мўлжалланган ўқув дастурлар қонун ҳужжатларидаги янгиликлар, амалиётдаги муаммолар ҳамда соҳа мутахассисларининг таклифлари асосида такомиллаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида малака ошириш муассасасининг халқаро алоқалари хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Шунингдек, АҚШ, Германия, Венгрия, Словакия таълим даргоҳлари билан икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган. Охирги икки йил давомида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Венгрия, Польшанинг амалиётчи судьялари ва экспертлари иштирокида 10 дан ортиқ халқаро учрашув ҳамда анжуман ташкил этилди. 2014 йилда эса Юристлар малакасини ошириш маркази Судьяларни тайёрлаш халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Матбуот анжуманида иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози мухбири».**

O'ZSANOATQURILISHBANK

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

## САРМОЯ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

***«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Буни молиявий муассаса кўмагида ўз фаолиятини йўлга қўйган, янги иш ўринлари яратиб, оилалар фаровонлигига хизмат қилаётган банк мижозлари фикрларидан ҳам билса бўлади.***

**Рўзибой Бекметов, «Хонқа паррандачилик» МЧЖ директори:**

— Юртимизда банкларнинг ишончли ва барқарор фаолият кўрсатиши тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Буни ўз фаолиятимиз мисолида айтай. Корхонамиз кўп йиллардан буён «Ўзсаноатқурилишбанк» билан самарали ҳамкорлик қилади. Фаолиятимизни йўлга қўйиш ва кенгайтиришда молия муассасасининг ҳиссаси катта. 2010 йилда паррандачиликни ташкил этиш лойиҳаси бўйича 1450,0 минг евро миқдорида кредит олдик. Молиявий кўмак ҳисобига Германиянинг «Биг Дачман Интернационал» компаниясидан замонавий технологик ускуналар харид қилдик. Кучли рақобатга қарамай паррандачиликни ташкил этиб, маҳсулотларни сон ва сифат жиҳатдан оширишга эришдик. Банк мадади туфайли 40 киши доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, озуқа ва ветеринария дориларини сотиб олиш учун банкдан олинган 3100,0 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳам самарали бўлди. Бир сўз билан айтганда, муваффақиятларимиз наинки жамоамиз меҳнати, балки банк молиявий кўмаги самараси ҳамдир.

**Акмал Ҳусенов, «Жасурбек фудс» МЧЖ раҳбари:**

— Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига хизмат қилмоқда. Хусусан, биз ҳам имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда аҳолига умумий овқатланиш ва савдо хизмати кўрсатишни йўлга қўйдик.



*Хизматлар лицензияланган.*

Фаолиятимизни кенгайтириш учун ўтган йили «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро минтақавий филиалидан 50 миллион сўм кредит олдик. Сармоя ҳисобига ўқув қуроллари савдо дўконини очдик. Янги иш ўринлари яратилди. Аҳолига хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз. Келажакда режаларимиз катта. Бунда ишончли ҳамкоримиз бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» кўмагига таянамиз, албатта.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ ЭЪЛОН

**«Кўприксоз» ишлаб чиқариш ширкати таъсисчилари диққатига!**

**«Кўприксоз» ИЧШ таъсисчиларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши**

*Бухоро вилояти, Коғон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 50-уйда Кўприксоз ИЧШ бош идораси мажлислар залида 2016 йил 25 март куни соат 10:00 да ўтказилади.*

*Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2016 йил 25 март куни соат 09:00 да бошланади.*

**Кун тартиби:**

1. Ширкат раисининг 2015 йилдаги молия-хўжалик йили бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
2. 2015 йил ҳисоботи учун аудитор хулосасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. 2015 йил бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.
4. Ширкат мол-мулки ва улушлар миқдорини бозор нархларидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинганлик тўғрисидаги хулосани тасдиқлаш.
5. «Кўприксоз» ИЧШни ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, яъни масъулияти чекланган жамиятга айлантириш.
6. Жамият умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор асосида жамият иштирокчиси деб эътироф этилмаган жисмоний ва юридик шахсларга депозит ҳисоб рақамлар очиб, улушларини кўчириш.
7. МЧЖнинг устав ва таъсис шартномасини қабул қилиш ва тасдиқлаш.
8. Жамият устав фондини белгилаш, тасдиқлаш ҳамда устав фондини ошириш.
9. Жамият директорини сайлаш.

Таъсисчиларнинг шахсан ўзлари ёки уларнинг вакиллари шахсларини тасдиқловчи ҳужжат, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал тасдиқланган, юридик шахс вакиллари ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан йиғилишда иштирок этишлари мумкин.

**«Кўприксоз» ИЧШ маъмурияти.**

■ ЭЪЛОН

**Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!**
**«HUDUDIY IKKILAMCHI QORA METALLAR» МЧЖ**

2011-2012-2013 йиллар мобайнида топширилган қора металл парчалари ҳисобига ҳосил бўлган қарздорликни бартараф этиш мақсадида бир ой ичида мурожаат этишингизни сўрайди.

**Манзил: 100154, Тошкент шаҳри, Жанубий саноат даҳаси. Телефон: (0371) 150-11-55; 150-51-11.**



«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА 13 МИНГТА УЙ-ЖОЙ БАРПО ЭТИШ, УЗУНЛИГИ 296,3 КИЛОМЕТРЛИК ЭЛЕКТР ВА 307,5 КИЛОМЕТР ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚУРИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.




*2015 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ҳиндистоннинг «Артемис» кардиохирургия маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган бўлиб, ушбу битимда кўзда тутилган ишлар Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган эди.*

## Соғлом юрак билан

Ҳиндистонлик шифокорлар Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 40 нафардан ортиқ туғма юрак нуқсони бўлган болани чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Кўрик натижаларига кўра, 5 нафар бемор 26 декабрь — январь, яна беш нафари февраль ойида Ҳиндистонда операция қилинди ва соғлом юрак билан юртимизга қайтиб келди.

## «Эко-мониторинг» дастури

**Ўзбекистон Миллий университети математиклари томонидан яратилди**

Мазкур дастур Ўзбекистоннинг саноатлашган ҳудудларида атмосферага кўтарилган заҳарли зарраларнинг тарқалишини мониторинг қилишга мўлжалланган.

Дастур янги саноат объектларини жойлаштиришнинг экологик мақбул вариантларини танлаш, асосий параметрлар ҳамда об-ҳаво ва иқлим ўтказилган синовларни график объектлар кўринишида визуаллаштириш имкониятига эга.

Интеллектуал мулк агентлигининг хабар беришича, дастурдан атмосферанинг экологик ҳолати ва атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланадиган ташкилотларнинг ходимлари фойдаланишлари мумкин.

Ушбу дастур учун муаллифларга № ДГУ 03424 рақамли гувоҳнома берилди.

## «Ромео ва Жульетта» мюзикли

**«Ўзбектеатр» бирлашмаси ва «Art Way» ёшлар студияси томонидан намойиш этилади**

20 февраль куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Уильям Шекспир қаламига мансуб «Ромео ва Жульетта» асари премьераси бўлиб ўтади. Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, ушбу мюзикл мамлакатимизда биринчи марта саҳналаштирилди.

**БИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАМИЗ!**

■ Катта орзуларимиздан бири ушалди, жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритдик.

# ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ





Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

**Ушбу муҳим ғалаба футзалчиларимиз учун нафақат ярим финалга, балки шу йилнинг 10 сентябрь — 2 октябрь кунлари Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани туҳфа қилди.**

Мусобақанинг «А» гуруҳида барча рақибларини мағлубиятга учратган Ўзбекистон терма жамоаси чорак финалда Ироқ футзалчилари билан куч синашди. Финалга тенг мазкур баҳсни ҳамюртларимиз кўтаринки руҳ ва уюшқоқлик билан ўтказди. Дастлаб 18-дақиқада Дилшод Раҳматов ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда Нодир Элибоев ҳисобни оширди — 2:0. Учрашув тугашига бир дақиқа қолганида Дилшод яна бир бор ўз маҳоратини намойиш этди — 3:0.

Ушбу муҳим ғалаба футзалчиларимиз учун нафақат ярим финалга, балки шу йилнинг 10 сентябрь — 2 октябрь кунлари Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани туҳфа қилди.

— Кўпсонли мухлисларимизни муҳим ғалаба билан табриклайман, — деди учрашувдан сўнг **Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, испаниялик Хосе Мария Мендез.** — Бу нафақат терма жамоамиз аъзолари, балки бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, деб биламан. Беш йилдирки юртингизда фаолият кўрсатиб келяпман. Ўзбекистонда истеъдодлар жуда кўп. Кейинги йилларда уларнинг иқтидорини намойиш этиш учун катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлигининг гувоҳиман. Осиё чемпионати олдидан мусобақада муносиб иштирок этиб, Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритишни бош мақсад қилгандик. Тошкентга қитъамизнинг энг кучли терма жамоалари ташриф буюрганлигини учрашувларда қайд этилаётган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди. Ҳозиргача ўтказилган тўрт ўйиннинг барчасида муваффақият қозонишимизда бизни мунтазам қўллаб-қувватлаб турган мухлисларимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Фурсатдан фойдаланиб, ишқибозларга жамоамиз аъзолари номидан раҳмат айтаман. Ўз олдимизга қўйилган дастлабки вазифани уддалаганимиздан жуда ҳам хурсандман. Аммо чемпионат давом этади. Ярим финалда бизни яна бир жиддий рақиб — Таиланд терма жамоаси кутиб турибди. Кейинги учрашувларда ҳам мухлисларимизни хурсанд қилиш учун курашни давом эттирамиз. Колумбияга Осиё чемпионати ғолиби ёки совриндорларидан бири сифатида бориш учун бор куч-имкониятимизни ишга соламиз.

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Бугун ғалаба қозонганимиздан жуда бахтиёрмиз, — дейди **Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Дилшод Раҳматов.** — Жаҳон чемпионатида Ватан шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг катта орзуси саналади. Ҳозир қаттиқ ҳаяжондаман. Бизнинг бу ютуғимизда жуда кўпчиликнинг ҳиссаси бор, деб биламан. Аввало, ҳукуматимиз ва Ўзбекистон футбол федерацияси мусобақага пухта тайёргарлик кўришимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб берганлигини таъкидламоқчиман. Шунингдек, ҳар бир учрашувга жиддий тайёргарлик кўрганимиз бугун ўз самарасини берди. Кўплаб хориж йиғинларида кучли терма жамоалар билан ўтказилган ўртоқлик учрашувларида тажриба тўплаб, маҳоратимизни оширдик. Катта орзуларимиздан бири ушалди, жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритдик. Энди шу билан чекланиб қолмасдан, кейинги босқичларда ҳам фақат ғалаба учун майдонга тушамиз.

Осиё чемпионатининг яна бир ярим финалчиси номи Таиланд — Австралия терма жамоалари учрашувида аниқланди — 6:2.

Чорак финалнинг яна икки учрашувида қуйидаги натижалар қайд қилинди: Япония — **Вьетнам** — 5:6, **Эрон** — Қирғизистон — 7:0.

Ярим финал учрашувлари 19 февраль куни бўлиб ўтади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ **ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ**

***Андижон вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг йиғув масканида бўлажак аскарларни тантанали кузатиш маросими бошланди.***

## Оқ йўл, йигитлар

Вилоят ҳокими Шуҳрат Абдураҳмонов Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли бурчни адо этиш учун миллий армия сафига жўнаб кетаётган ёшларни қизғин муборакбод этди ва совғалар топширди.



Аъзамжон ҚОДИРОВ олган сурат.

**Суратда: Андижон туманидан Азизахон Карачаева ўғли Муслимбекни ҳарбий хизматга кузатмоқда.**

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ёшлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари, ЎзХДП фаоли Сардор Шамсутдинов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Илтижо Тоштемирова, ота-оналар номидан сўзга чиққан Барнохон Аҳмаджонова ва бошқалар йигитларга оқ йўл тилашди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ **РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ»**

Shurtan GAS CHEMICAL COMPLEX

**МЧЖ МАЪМУРИЯТИ**

**2016 йилда хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ёхуд атроф-муҳитга зарар етказилганлиги учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги суғурта компаниялари билан шартнома тузиш учун**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танловда қатнашиш учун суғурта компанияларидан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш сўралади:**
**— юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;**
**— фаолият тури бўйича лицензия нусхаси;**
**— суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган тариф ставкалари тўғрисида маълумот;**
**— «SAIPRO» рейтинг агентлиги томонидан аниқланган молиявий барқарорлик кўрсаткичи тўғрисидаги маълумот;**
**— шартнома нусхаси.**



**ҲУЖЖАТЛАР 2016 ЙИЛ 1 МАРТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Манзил: 180300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони, «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖ, тел/факс: (0375)221-02-27; (0375)552-40-16.

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида бухгалтерия ҳисоботларини тартибга солиш, «1С Бухгалтерия» тизими асосида бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини электрон тарзда юритишни ташкил этиш бўйича лицензияга эга корхона-ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Мазкур фаолият тури билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар ўз тижорат таклифларини жорий йилнинг 7 мартига қадар қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

**100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.**
**Тел: (+99871) 239-18-49, 239-83-12, факс: (+99871) 239-13-20.**

**ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»**

**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**



- ► **Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.**
- ► **Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.**
- ► **Ямобуры.**
- ► **Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.**
- ► **Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.**

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

**Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.**
**Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.**
**Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.**
**E-mail: cst2008@mail.ru**
**Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz**

**Товары сертифицированы.**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona — 233-65-45**
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.**

**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
*17506 nusxada bosildi.*
*Nashr ko'rsatkichi – 220*
*t — Tijorat materiallari*
O'zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: **Nurullo OSTONOV**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Zafar BAKIROV**, **Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6